



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

30 NOYABR

№34

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
1-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
34-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-1**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
34-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 31 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

**1. Дилдора Анварова**

АЛИМЕНТ ҖАРЗДОРЛИКНИ УНДИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ОНАЛАР ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАРИ МОДДИЙ КАФОЛАТИДИР ..... 7

**2. Азизжон Хужаназаров**

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ КАТЕГОРИЯСИННИГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 9

**3. Примов Бахтиёр Олим ўғли**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА  
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАР ..... 11

**4. Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли**

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ПОЛИЦИЯ ТИ-  
ЗИМИГА ЎТКАЗИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 15

**5. Дилдора Базарова, Сабина Жавдотова**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ХУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ..... 18

**6. Шуҳратжон Шакиров**

ПСИХОЛОГИК ОПЕРАЦИЯ БЎЛИНМАЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ  
ВА ШАКЛЛАНИШИННИГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ ..... 20

**7. Дилдора Базарова**

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ ..... 22

**8. Ҳажиев Улугбек Кўзибоевич**

МУЛКИЙ КОМПЛЕКС СИФАТИДА КОРХОНА БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН ИШОНЧЛИ  
БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИННИГ ЎЗИГА ХОС-ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 25

**9. Юсупов Сардорбек Баҳодирович**

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ ..... 29



## ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### АЛИМЕНТ ҚАРЗДОРЛИКНИ УНДИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОНАЛАР ИЖТИМОИЙ ХУҚУҚЛАРИ МОДДИЙ ҚАФОЛАТИДИР

Дилдора Анварова,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Маколада хотин-қизлар ижтимоий хукукларининг моддий кафолатларини такомиллаштириш хусусан фарзандини олиб қолган ёлғиз оналар моддий таъминланишида алимент тўловларнинг ўз вақтида тўланиши муҳимлиги таҳлил қилинган. Шунингдек бугунги кунда ажримлар сонининг кўплиги ҳамда алимент қарздорлик ҳам ошиб бораётганлиги ҳам ёлғиз оналар ижтимоий хукукларини чеклаш омили эканлиги, буни учун алимент қарздорликни ундириш тартибини такомиллаштириш хусусан қарздорларнинг транспорт воситасинин бошқариш хукукинин чеклаш, уларнинг лицензия фаолияти билан шуғулланиш хукукларини чеклаш бўйича қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи асослантирилган.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар ижтимоий хукуклари, оналикни муҳофаза қилиш, алимент, ижтимоий ҳимоя, хукуқий кафолат, алимент қарздорлик, маҳсус хукукларни чеклаш.

Мамлакатимизда сўнги йилларда оиласидаги ажримлар сони кўпайганлиги кузатилади. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилда республика бўйича ажримлар сони 23000 га етган. Шу даврнинг ўзида 195 мингта никоҳ қайд этилган. 2020 йилнинг 9 ойида республика бўйича 19 970 та ажрим ҳолатлари ФХДЁ органларида қайд этилган. 2021 йилнинг январь-март ҳолатига республика бўйича 9 213 та ажрим ҳолатлари қайд этилган.

Мазкур ажримлардан кейин фарзандларнинг асосий таъминоти фарзандни олиб қолган онанинг зиммасига тушади. Фарзандлар учун алимент белгиланган ҳолларда алимент тўловчи ҳар-ҳил баҳоналар билан алимент тўлашдан бўйин товлаган ҳолатлар кам эмас.

Мажбурий ижро бюросига 2020 йилнинг 1 июлгача келиб тушган 58 500 га яқин мурожаатнинг 39 мингдан ортиги, яъни 66 фоизи алиментга оид мурожаатлардир. Шунингдек, 58 190 нафарга яқин қарздорлардан ижро ҳужжати бўйича алимент пуллари мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш орқали ундириб келинмоқда.

Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахслар, ёлғиз оналарнинг ўз вақтида моддий таъминот олиш хаёт кечиришининг зарур эҳтиёжи эканлигини хисобга олган ҳолда, алимент қарздорлигини қонуний муддатда ва тўғри ундирилиши муҳимdir.

Мамлакатимизда сўнги йилларда алимент тўлаш мажбуриятларини белгиловчи бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, шунингдек, ота-онани моддий таъминлашдан (алимент тўлашдан) бўйин товлаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий этилди. Бундан ташқари, қарздорликни ундиришга қаратилган таъсир чораларидан бири сифатида қарздорнинг чет элга чиқиш хукукини вақтинча чеклаш белгиланган. Бироқ, бу чора фақат чет элга чиқиш зарурати бўлган қарздорларга нисбатан самара беради.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигига алимент тўлови бўйича қарздорликни бартараф этиш учун ўхшаш таъсир чоралари қўлланилади.

Хусусан, **Германияда** алимент қарздорлик бўйича мажбурий меҳнат, мусодара қилиш ва қарздорнинг мол-мулкини бола фойдасига мусодара қилиб сотиш ёки қамоқ жазоси мавжуд. **Канадада** доимий равишда қарздорларни ов қилиш хукукини чеклаб уларнинг



фотосуратлари интернетда эълон қилинади. Шу билан бирга, немис болалари алиментни 25 ёшгача оладилар ва Канада қонунчилигига биноан ота-оналар 27 ёшгача бўлган болаларининг ўқиши учун пул тўлашлари шарт.

**Украина** "Ижро этиш тўғрисида"ги қонунига кўра алимент бўйича умумий қарздорлик миқдори тўрт ойда тўланиши лозим бўлган алимент миқдоридан ошиб кетганда, давлат ижрочиси қарздорнинг транспорт воситаларини бошқариш хукукини алимент тўлови бўйича қарздорлик бартараф этилгунга қадар вақтинча чеклаш хукуқига эга.

Алимент тўлашдан бўйин товлаган **Латвия** фуқароларига ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш, автотранспортни давлат рўйхатидан ўтказишни тақиқлаш жорий қилинган. Латвияда алимент тўлаш бўйича қарздорларни ўз мажбуриятларини бажаришга ундаш учун мўлжалланган бир қатор чекловлар мавжуд. Хусусан транспорт воситаларини бошқариш хукукини чеклаш, қуролдан фойдаланиш учун бериладиган лицензиядан фойдаланишга тақиқ қўйиш шунингдек қимор ўйинлари ташкилотчиларига ўйинларда иштирок этувчи шахсларнинг алимент қарздорлик бўйича реестрда мавжудлигини аниқлаш орқали уларнинг иштирокини чеклаш мажбурияти юкланди. Шунингдек алимент бўйича қарздорда фарзанди таъминоти учун етарли маблағ ва мол-мулки бўлмаган ҳолатларда уни мажбурий меҳнатга жалб қилиш орқали қарздорлик ундирилади. Латвия "Адвокатура тўғрисида"ги қонунига мувофиқ алимент тўлови бўйича қарздор жисмоний шахсга қарздорлиги бартараф этилмагунча адвокатлик лицензияси берилмайди.

**Россия** Федерациясининг "Ижро этиш тўғрисида"ги федерал қонунида (02.10.2007 й. №229-ФЗ) ижрочи қарорига мувофиқ алимент тўлови бўйича қарздор жисмоний шахснинг транспорт воситасини бошқариш хукуқи вақтинча чекланиши назарда тутилган.

**Қозогистон** "Ижро этиш ва суд ижрочилари мақоми тўғрисида"ги қонунига кўра (02.04.2021 й. № 261-IV) суд ижрочиси алиментни ундириш тўғрисидаги ижро хужжатларига мувофиқ қарздорлик юзага келганда судга қарздорнинг лицензиялар, рухсатномалар бериш ва маҳсус хукуқлардан фойдаланишни вақтинча чеклаш тўғрисида тақдимнома киритиш хукуқига эга.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки Ўзбекистон худудида юрган қарздорларга самарали таъсир чораси сифатида давлат ижрочиларига алимент тўлови бўйича қарздор жисмоний шахсларнинг транспорт воситасини бошқариш хукукини қарздорлик бартараф этилгунга қадар вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқариш ҳамда фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш хукукини вақтинча чеклаш тўғрисидаги тақдимнома билан судга мурожаат қилиш хукукини бериш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек хотин-қизлар оналик функциясининг моддий кафолатларидан бири бўлмиш алимент тўловларини ундириш тартибининг такомиллаштирилиши фаровон турмуш кечириш ҳамда ижтимоий хукуқларини таъминланишида муҳии аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда давлат ижрочиларига қарздорларнинг транспорт воситасини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқариш ҳамда фаолиятнинг лицензияланган турини амалга ошириш хукукини вақтинча чеклаш тўғрисида судга тақдимнома билан мурожаат қилиш хукукини бериш алимент ундируви билан боғлиқ қарздорликларни камайтириш имконини беради. Хусусан мамлакатимизда 2021 йилнинг 6 ойи давомида 4 мингдан ортиқ лицензиялар берилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга шахслар сони беш миллион нафарга яқинлиги алимент қарздорлиги бўйича транспорт воситасини бошқариш хукукини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш хукукини вақтинча чеклаш тарзидағи таъсир чораларини кўлланиши алимент мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини ҳамда ёлғиз оналар ижтимоий хукуқларининг моддий кафолатларини таъминлайди.



## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ КАТЕГОРИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Азизжон Хужаназаров,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчisi,  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Мазкур тезисда ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий турларидан бири бўлган норма ижодкорлиги категорияси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу тезисда норма ижодкорлиги асосий тушунчалари юзасидан илмий ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** норма, ҳуқуқ, қонун, буйруқ, давлат, манба.

Илмий-назарий манбалар ва тадқиқот ишларида “ҳуқуқ ижодкорлиги”, “норма ижодкорлиги”, “қонун ижодкорлиги” тушунчалари ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари юзасидан олимларнинг қуидаги илмий ёндашувларини кўрсатиш мумкин.

Бир гуруҳ олимлар, ҳуқуқ ижодкорлиги нисбатан кенгроқ жараён бўлмиш ҳуқуқ яратишнинг таркибий қисми сифатида қайд этишади. Уларнинг фикрича, ҳуқуқ яратиш - юридик нормани шакллантириш ва расмийлаштиришга қаратилган жараён бўлиб, у анча узоқ вакт давом этади. Ушбу жараён: ижтимоий вазиятни таҳлил этиш, уни ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини англаб этиш; бўлажак юридик қоида ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш; юридик нормани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш каби ҳаракатларни қамраб олади. Ҳуқуқ яратишнинг сўнгги босқичи ҳуқуқ ижодкорлигини ташкил этади [1].

Х.Т.Одилқориев фикрича, норма ижодкорлиги жараёни – норма ижодкорларининг Конституцияда белгиланган тартибда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек, эскирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йигиндиси бўлиб, у норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади[2].

Бизнинг фикримизча, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган фаолият “ҳуқуқ ижодкорлиги” бўлиб, фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш фаолиятини “норма ижодкорлиги” деб тушунилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, “қонун ижодкорлиги” тушунчасини фақатгина давлатнинг қонун чиқарувчи органининг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар яратишга, амалдагисига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш борасидаги фаолиятини тушуниш ўринли.

Муайян ташкилот ёки муассаса раҳбари томонидан индивидуал ҳарактердаги, расмий аниқликка эга бўлган, ваколат берувчи ва мажбурият юкловчи буйруқлар чиқаришини ҳуқуқ ижодкорлигининг кўринишларидан бири, десак бўлади.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, умуммажбурий бўлган юриш-туриш қоидаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилиш нуктаи назаридан “ҳуқуқ ижодкорлиги” ўз ичига “норма ижодкорлиги” ва “қонун ижодкорлиги” тушунчаларини қамраб олган кенгроқ маъно касб этувчи категория ҳисобланади.

М.К.Нажимов эса норма ижодкорлигига жамият ва давлатнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш, ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда шакллантириши ва қабул қилишини қамраб оловчи жараён сифатида таъриф бериб, унинг қуидаги жиҳатларига урғу бериб ўтган. Норма ижодкорлиги – жамият ва давлатнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш, ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда шакллантириши ва қабул қилишини қамраб оловчи жараён; у ёки бу ҳуқуқий актни қабул қилиш ваколатига эга бўлган органни (субъектини) аниқлаш; қабул қилиниши мўлжалланаётган актнинг шаклини танлаш; тегишли процедура доирасида ҳуқуқий актни тайёрлаш, қабул қилиш ёки ўзгартириш [3].

Илмий адабиётларда норма ижодкорлиги тушунчаси билан боғлиқ назарий ёндашувлар бўлсада, миллий қонунчилигимизда соҳага оид нормалар таҳлиллари асосида “норма ижодкорлиги ташаббуси”, “норма ижодкорлиги фаолияти”, “норма ижодкорлиги



субъектлари", тушунчасининг аниқ ҳуқуқий таърифи ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Норма ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ушбу фаолият қуйидаги ўзига хос-хусусиятларга эга:

бириңчидан, мазкур фаолият бевосита ҳуқуқ манбаларидан бири бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда манбаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш (чиқариш) босқичларини қамраб олганлиги;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс ёки орган томонидан қабул қилиниши;

учинчидан, мазкур фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлган қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган тартибда алоҳида тартиб-таомилларининг мавжудлиги;

тўртингчидан, ушбу фаолиятда маҳаллий аҳолининг иштирок этиши.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, бизнингча, норма ижодкорлиги тушунчасига қуйидагича ҳуқуқий тавсиф бериш мақсадга мувофиқдир: “**Норма ижодкорлиги** – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши учун асос бўлувчи дастлабки таклифларни шакллантириш, лойиҳани ишлаб чиқиши фаолиятини режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш, лойиҳани ишлаб чиқиши, лойиҳани ҳуқуқий ва бошқа турдаги экспертизалардан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш, лойиҳа муҳокамаси, лойиҳани манбаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш, лойиҳани кўриб чиқишида иштирок этиш, лойиҳани кўриб чиқиши, қабул қилиши ва тасдиқлаш учун киритиш каби жараёнларни қамраб олган фаолият”.

Шунингдек, қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиши, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёни нуктаи назаридан норма ижодкорлиги фаолиятини асосан икки турга, яъни қонун ижодкорлиги ва қонуности ҳужжатлари ижодкорлигига бўлиш мақсадга мувофиқ.

Барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тааллуқли бўлган “норма ижодкорлиги техникаси” тушунчасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши, ҳуқуқий-техник расмийлаштириш, қабул қилишда кўлланиладиган қоида, усул ва воситалар мажмуи деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, норма ижодкорлиги юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ўз навбатида норма ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш ва ягона ҳуқуқни кўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлашга хизмат қиласи.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул мухаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.- Б.216.
2. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002. –Б.250.
3. Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б. 17.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАР

Примов Бахтиёр Олим ўғли,  
Тошкент давлат юридик университет докторанти  
Телефон: +998988888787  
E-mail: baxtiyorgprimov@inbox.ru

**Аннотация:** Бугунги замонавий даврда ахборотлаштириш жараёни барча соҳалар сингари суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларни ҳам қамраб олмоқда. Мақолада далилларни тўплашга ҳақли субъектлар тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ашёвий далилларни тўплаш ва уларни процессуал мустаҳкамлашда АКТ воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Электрон далил, тергов эксперименти, электрон жиноят иши, виртуал макон, элекtron ахборот.

Бугунги кунда жиноят процессида жиноятга оид далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш жараёни замонавий ахборот-коммуникация воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Бунинг сабаби шундаки, далилларни тўплашга ҳақли субъектлар тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ашёвий далилларни тўплаш ва уларни процессуал мустаҳкамлашда АКТ воситалари имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал конунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори [1], шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сон Қонуни [2] билан “Электрон жиноят иши” номли янги суд иш юритуви шакли жорий этилиши белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринда – ЖПК) 91-моддаси 4-қисмида ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтуб, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт хусусидаги процессуал қоида назарда тутилган.

Айни чоғда, назаримизда, бугунги кунда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда замонавий АКТ воситалардан фойдаланиш шартлари, уларни қўллашнинг процессуал шартлари ва қоидалари амалдаги ЖПК билан етарли даражада тартибга солинмаган. Хусусан, тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар жараёнида далилларни излаётган ва тўплаётган субъектлар ахборот-техник воситалардан факат қуидаги шартларга жавоб берган ҳолларда фойдаланиши мумкинлигини белгилаш лозим:

- 1) инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиши, шунингдек хавфсизлик қоидаларига тўлиқ мос келиши;
- 2) шахс шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик;
- 3) амалдаги қонун ҳужжатлари ва қонуности ҳужжатлари талабларига зид бўлмаслиги;
- 4) далилларни тўплашда техник воситалар учун белгиланган минимал талабларга жавоб бериши (ЖПК 91<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми). Техник воситалардан фойдаланишда ушбу шартларга риоя қилмаслик, биринчидан, далилларнинг кейинчалик номақбул деб топилишига, иккинчидан, исботлаш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Ушбу масала муносаб равишда ҳал этилган бир қатор хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал кодексларини ижобий тажриба сифатида баҳолаш мумкин. Жумладан, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг «Исботлаш жараёнида илмий-техник воситалар» номли 96-моддаси 3-қисмiga мувофиқ, илмий ва техник воситалардан фойдаланишга қуидаги шартларда йўл қўйилади:

- 1) ушбу Кодекснинг нормалари ва тамоилларига зид бўлмаса;
- 2) илмий асосланган;
- 3) иш бўйича самарадорликни таъминласа;



4) фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлса [3].

АҚТ воситалардан фойдаланиш терговчининг ташаббуси ёки тергов ҳаракати иштирокчилари илтимоси асосида амалга оширилади. Терговчи техник воситалардан фойдаланишда ёрдам кўрсатиш учун мутахассисни жалб қилишга ҳақли [4, Б. 8-10]. Тергов ҳаракати давомида фото, овоз ва видео ёзувлар, электрон хужжатлар кўринишидаги далилларни тўплаш ва қайд этишда улар флеш-карталарда, дискларда ёки ташишга қодир бўлган бошқа техник воситалар шаклидаги электрон хужжатлар, ўрамга қадоқланиб, муҳрланиб, баённомада қайд этилиши ва тергов ҳаракатининг барча иштирокчилари томонидан имзоланиши лозим.

Таъкидлаши жоизки, бугунги кунда замонавий АҚТ воситаларнинг ривожланиши, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасида жиноятлар кўпайиши, янги ахборот-коммуникация тизимлари ва инфратузилмалари, "виртуал макон"ларнинг пайдо бўлиши, халқаро миқёсда хакерликнинг фаоллашуви, уларнинг жиноий муҳитга кенг жалб этилиши кибержиноятлар содир этишга имкон яратмоқда [5, Б.28], афсуски суд-тергов амалиётида электрон далилларни тўплаш ва улар билан ишлаш фаолиятини хавфсизлигини таъминлаш ишлари оркада қолмоқда. ЖПКда "электрон далиллар" тушунчаси ва улардан исботлашда фойдаланиш масалалари ҳам амалда тартибга солинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори [1] асосида жиноят ишини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштиришга ўтиш, шу билан бирга "электрон жиноят иши" жорий этилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-470-сонли Қонуни [2] асосида Ўзбекистон Республикаси ЖПК 91-моддаси 4-қисмига киритилган ўзгартишларга мувофиқ ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтуб; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; тергов эксперименти; шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйиш ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этилиши мажбурий этиб белгиланиши маълум маънода исботлаш ва кенгайтириш жараёнида замонавий техник воситалардан, хусусан "электрон далиллар"дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда илфор АҚТ усусларни қўллаш, айниқса замонавий суд-экспертиза технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш суд-тергов амалиётининг энг муҳим вазифалари сифатида каралиши керак. Суд-тергов амалиёти таҳлили жиноятларни фош этиш, очишда АҚТ фойдаланиш талабларига риоя этилмаслиги, электрон далилларни тўплашда исботлаш субъектлари билим ва кўнинмалари етарли эмаслигидан далолат беради.

Ваҳоланки рақамлаштириш жараёнларини чукурлаштириш келгусида жиноят процессининг барча босқичлари электрон жиноят иши тизими томонидан қамраб олиниши, жараён иштирокчилари учун электрон ахборот олиш, идоравий ва прокурор назоратини электрон шаклда амалга ошириш, ҳисоботларни автоматлаштириш, жиноят процесси шаффоғлиги ва ошкора юритилиши, хужжатларни қалбакилаштириш хавфини минимал даражага тушириш имконини яратади, айни чоғда жиноят ишлари материаллари йўқолиб кетиш хавфини бартараф этиш, вазирликлар ва бошқа идоралар билан электрон ахборот алмасиши, эксперт хulosалари ва суд санкцияларини электрон шаклда олиш, шунингдек, жиноят ишларини у теговчидан бошқа терговчига, у идорадан бошқа идорага электрон шаклда ўтказиш иқтисодий ва вакт нуқтаи назаридан юқори тежамкорликни таъминлай олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3723-сонли қарори [1] ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази вакилларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Тошкент шахрининг Яққасарой ва Миробод туманлари ички ишлар бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимлари хузуридаги тергов бўлимлари "Электрон жиноят иши" лойиҳаси доирасида зарур техник воситалар билан жиҳозланди [6, Б. 32-38]. Ҳозирда мазкур тизим жиноят ишлари бўйича судлар, прокуратура ва ички ишлар органлари, Давлат божхона қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Жазони ижро этиш бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан синовдан ўтказилаётганига қарамай, тегишли давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ахборот марказларига тўлиқ уланмаганлиги сабабли далилларни электрон шаклда



тўплаш ва қайд этишда етарлича самара бермаяпти.

Шу билан бирга, жиноят иши бўйича исботлашда электрон ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, яъни ЖПКда “электрон жиноят иши”, “электрон далиллар” [7, Б.13], [8, Б. 11-12], “ракамли электрон восита” [9, Б. 15], “электрон ахборот”, “электрон маълумотлардан нусха кўчириш”, “электрон хужжат” [10, Б. 9] каби процессуал тушунчаларни бирлаштириш зарур. Ушбу тушунчаларнинг ҳуқуқий асосларини процессуаллаштириш ва улар билан боғлиқ шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг ишлаш механизмларини тартибга солиш, амалиётда далилларни тўплаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, қофозбозликни олдини олиш, вақтни тежашга олиб келади.

ЖПК 81-моддаси иккинчи қисмида далиллар тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа хужжатлар билан аниқланади, дейилган. Ушбу процессуал қоида улар «электрон далил» шаклида бўлиши мумкинлигини инкор етмайди.

Бироқ далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида “электрон далил” тушунчасига нисбатан шарт ва механизmlарни қўллаш айрим тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, “еэлектрон ахборот” ёки “электрон далил” ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар қўйидагиларда намоён бўлади:

**биринчидан**, “электрон ахборот” ёки “электрон далил” ёпиқ ва маҳсус воситаларда сақланади, ҳар қандай маълумот ҳам бундай имкониятга эга эмас, ундан очиқ фойдаланиш ва уни аниқлаш маълум қийинчилик туғдиради, бундан ташқари, «электрон далиллар»ни аниқлаш ва ўрганиш учун виртуал маконда маҳсус қидирув ҳаракатларини амалга ошириш талаб этилади [8, Б. 11-12];

**иккинчидан**, улар «электрон ахборот» ёки «электрон далиллар»ни сақлаш манбаларидан, яъни замонавий техник воситалардан (мобил телефон, компьютер, флеш-карта, ноутбук, смартфон, планшет, терабайт ва бошқалар) фойдаланиш бўйича маҳсус билимга эга мутахассисларни талаб қиласи;

**учинчидан**, «электрон маълумот» ёки «электрон далил»га эга бўлган шахс уни осонгина ўчириш имкониятига эга;

**тўртинчидан**, далиллик қийматига эга бўлган ва предмет ёки нарсад шаклидаги ахборотдан фарқли ўлароқ, «электрон ахборот» ёки «электрон далил» ва ундаги белгиларнинг тўғрилигини инкор этиш имконияти чекланган;

**бешинчидан**, катта ҳажмдаги хотиранинг мавжудлиги, ахборотни узатиш ва маълумотларини бир воситадан иккинчисига нусхалаш қулайлиги [9, Б. 10];

**олтинчидан**, электрон маълумотларни глобал ахборот коммуникация тизимлари орқали уларнинг мазмуни билан кенг танишириш имкониятлари мавжудлиги.

Электрон далиллар, албатта, дастлаб электрон маълумот қўринишида пайдо бўлади. Электрон маълумотлар далил сифатида тан олиниши учун ундаги маълумотлар ЖПКнинг 81-моддасида кўрсатилган ҳолатларга мос келиши керак.

Электрон маълумотларда ЖПКда белгиланган тартибда олинган ахборот, талаб қилиб олинган ва тақдим этилган фотосуратлар, аудио, видео ва бошқа мультимедиа шакллари бўлиши мумкин. Бундай холларда электрон ахборот далил сифатида қабул қилиниши ва тегишли қарор қабул қилиниши керак. Электрон маълумотларнинг иш материалларига илова қилиниши ва электрон ташувчиларда сақланишини таъминлаш зарур. Электрон маълумот бошқа курилмага кўчирилганда, у ўзининг далилий қийматини сақлаб қолиши керак [10, Б. 10].

Тез ривожланаётган ахборот-коммуникация технологиялари шароитида мобил телефонлар, компьютерлар, флеш-карталар, ноутбуклар, смартфонлар, планшетлар ва улардаги булатли хотирадан ахборот ташувчиси ва электрон ахборотни сақлашнинг техник воситалари сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ: “Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг холосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлар, ҳар қандай шаклдаги электрон ахборотдан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари, н ва бошқа хужжатлар билан аниқланади”.

Бизнингча, ЖПК 81-моддаси иккинчи қисмига мазкур қўшимчанинг киритилиши “электрон жиноят иши”, “электрон далил”, “ракамли электрон ташувчи”, “электрон ахборот”,



“электрон хужжатдан нусха кўчириш”, “электрон хужжат” каби атамаларга аниқлик киритиб, қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиёт

#### Фойдаланилган адабиёт

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-470-сон Қонуни // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон.

3. УПК Кыргызской Республики [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30241915](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30241915).

4 Миленин Юрий Николаевич. Аудио- и видеодокументы как доказательства в уголовном процессе// диссертация ... кандидата юридических наук. Акад. эконом. безопасности МВД РФ.- Москва, 2009.- 213 с.

5. Расулов А.К. Совершенствование уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступностью в сфере информационных технологий и безопасности: Автореферат докторской диссертации на соискание степени доктора наук (DSc). Т., 2018. 74 с.

6. Химматов И.И. Информационная система «Электронное уголовное дело» // Следственная практика. Журнал Следственного департамента МВД Республики Узбекистан. Т., 2019. № 1. С. 32-38.

7. Бостанов Р.А. Использование производных доказательств в уголовном судопроизводстве России: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Н. Новгород, 2012. 31 с.

8. Оконенко Р.И. “Электронные доказательства” и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации // автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата наук. юридических наук. М., 2016. 24 с.

9. Хмельницкая Т.В. Проблемы формирования доказательств в ходе досудебного производства по уголовному делу: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Нижний Новгород, 2016. 30 с.

10. Овсянников, Д. В. Копирование электронной информации как средство уголовно-процессуального доказывания// автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09 / Д. В. Овсянников ; Юж.-Урал. гос. ун-т.- Екатеринбург, 2015.- 21 с.



## МАМЛАКАТИМИЗДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ПОЛИЦИЯ ТИЗИМИГА ЎТКАЗИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли  
Ички ишлар вазирлиги Академияси  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мазкур тезисда мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг полиция тизимига ўтказиш истиқболлари мавзуси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу тезисда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг полиция тизимига ўтказиш юзасидан илмий ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** орган, тизим, полиция, ҳокимият, механизм, дастур.

Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ давлатларда, жумладан, АҚШ, Австралия, Австрия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Исроил, Канада, Корея, Сингапур, Туркия, Франция, Хитой, Швеция, Япония, шунингдек, МДҲ давлатларидан – Россия Федерацияси, Қозоғистон, Арманистон, Молдовада ҳам полиция тизими жорий этилган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, полиция тизимига ўтиш ўз навбатида бутун тизимнинг ташкилий-штат тузилишини қайта кўриб чиқиши ҳамда унинг функцияларини оптималлаштиришни, ўзига хос бўлмаган функциялардан озод этишни, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиши назарда тутади.

Шунингдек, ички ишлар органлари ҳисобдорлиги тизими ҳам янада соддалаштирилиб, асосий эътибор аҳоли билан ишлашга қаратилади. Ички ишлар органлари фаолиятига натижага қараб баҳо бериш ва рағбатлантириш тизимига ўтказилади. Қолаверса, фаолиятга фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, замонавий ахборот технологиялари жорий этилади.

Полиция тизимига ўтишдан асосий мақсад – энг замонавий талабларга жавоб берадиган, вужудга келаётган янги таҳдидларга самарали қарши кураша оладиган, шунингдек фуқароларнинг умидлари ва сўровларига мос бўлган янги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини яратишдан иборат. Ички ишлар органлари ва жамиятнинг давлат мажбурлови устуворлигига асосланган ўзаро муносабатлари ўрнига ички ишлар органлари ва аҳолининг шериклиги, ҳамкорлигига асосланган ўзаро муносабатлар тизими жорий этилади.

Ички ишлар органлари давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг замонавий концепциясига мувофиқ ҳолда ўзгартирилади. Полиция тизими янада самарали, ишчончили, энг муҳими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади.

Айни дамда, ички ишлар органлари нуфузини ошириш, унинг обрўйини, тизимга бўлган аҳолининг ишончини сезиларли даражада кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Полиция тизимига ўтиш шунчаки ички ишлар органларининг ташки қўринишини ўзгартириш эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ишончли таъминлашдир.

Мамлакатимизда ички ишлар органларини полиция тизимига ўтказиш бир қатор устувор йўналишларда амалга оширилади. Биринчидан, мавжуд норматив-ҳуқуқий хужжатлар базаси тўлиқ янгиланади. Иккинчидан, ташкилий-штат жиҳатдан ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, тезкор хизматлар ролини ошириш, ички ишлар органларига хос бўлмаган функциялардан воз кечиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ички ишлар органлари иш услублари ўзгартирилади. Улар фаолиятига статистик кўрсаткичларга қараб баҳолаш сингари тор идоравий ёндашувдан воз кечилади. Асосий баҳо ва мезон одамларнинг розилиги, халқ баҳоси бўлади. Полиция фаолиятини ташкил этишда, биринчи навбатда, жамоатчилик фикри эътиборга олинади. Бошқача айтганда, устуворлик ракамларга эмас, хизмат сифатига, натижасига берилади.

Полиция иши усули ва шаклларини инсонпарварлаштириш ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳуқуқ-тартибот ва жамият ўртасидаги муносабатлар шериклик моделига асосланган ҳолда ташкил этилади. Шу жумладан, ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги, жамият олдида ҳисобдорлиги тизими такомиллаштирилади. Полиция ходимининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида мустаҳкамланиб, коррупцияга қарши стандартлар жорий этилади, ходимларнинг касбий ва ахлоқий сифатларига қўйилган талаблар янада кучайтирилади. Шунингдек, ходимлар



ва пенсионерларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражаси ва пул таъминоти кафолатлари янада кучайтирилади.

Фикримизча, тўлақонли полиция тизимига ўтиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилиниши, унда бунга тайёргарлик кўриш мақсадида қўйидаги масалалар назарда тутилиши мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, Ички ишлар вазирлиги, ҳудудий бошқарма ва бўлимларнинг ташкилий тузилмаси полиция тизими жорий этилаётганлиги муносабати билан ўзгаради. Ички ишлар вазирлиги сақланиб қолган ҳолда унинг таркибида жиноят ишлари полиция департаменти (тергов, экспертиза бўлинмалари, жиноят-қидирув, терроризмга қарши курашиб бўлинмалари, навбатчилик қисми), жамоат хавфсизлиги полицияси департаменти (хуқукбузарликлар профилактикаси, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аэропортларни кўриқлаш, маҳсус операцияларни мувофиқлаштириш кучлари), йўл-патруль полиция департаменти (патруль-пост хизмати, йўл-харакати хавфсизлиги хизмати), жиноят-ижроия полиция департаменти (жазони ижро этиш ва пробация хизмати), фуқаролик ва миграция полицияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги аппаратини (ташкилий бўлинма, кадр, молия, хўжалик, ҳалқаро алоқалар, жамоатчилик билан алоқалар, ўз хавфсизлиги бўлинмалари) ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ички ишлар органларининг ҳудудий бошқармалари – полиция бошқармаларига, ички ишлар органларининг таянч пунктлари эса, полиция участкаларига айлантирилиб, ички ишлар органлари ходимларнинг лавозимлари ҳам қайта кўриб чиқилади.

**Иккинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини оптималлаштириш, жумладан, маҳсус унвонга эга бўлган ҳолда фуқаролик хизматини ўташ тартибини жорий этиш, шунингдек, аутсорсинг тизимини кенг жорий этиш (хўжалик, молия, ташкилий, кадр бўлинмалари ходимларининг бир қисмини аутсорсинг тизими орқали маҳсус ташкилотларга шартнома асосида топшириш) орқали Ички ишлар вазирлиги аппаратини ислоҳ қилиш. Бу ўз навбатида, ички ишлар органларини бошқариш самарадорлигини оширади ҳамда орттирилган маблағ евазига ходимларни рағбатлантириш имконини беради.

Рұҳан ва ахлоқан барқарор ҳамда юқори малакали полиция ходимларини шакллантириш учун ходимларнинг иш ҳақи ва пенсияларини сезиларли даражада ошириш лозим. Масалан, полиция ходими бир ойда ўртача Қозоғистон, РФда – 500, Озарбайжон, Аргентинада – 700, Грецияда – 1,3 минг, Малайзияда – 1,6 минг, ЖАРда – 1,8 минг, Францияда – 2,2 минг, Испания ва Италияда – 2,4 минг, Германияда – 4 минг, АҚШда – 4,1 минг, Гонконгда – 5,6 минг, Швейцарияда – 7,5 минг АҚШ долларига тенг ойлик олади. Шу билан бирга, ойлик иш ҳақи полиция ходимининг лавозимига қараб ортиб боради, масалан, АҚШда детектив ойига 4,1 минг АҚШ доллари миқдорида ойлик олса, комиссар 10 минг АҚШ долларига яқин ойлик олади.

**Учинчидан**, патруль-пост хизмати ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати базасида янги **йўл-патруль хизматини** ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда ушбу хизматларни бирлаштириш патруллик йўналишида ҳаракатланишда тақрорланишнинг олдини олади, мазкур фаолиятга жалб этилган ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш даражасини ва сифатини оширади, шунингдек, патруль томонидан аниқланган йўл хуқукбузарлиги ёки аксинча, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан аниқланган жамоат тартибини бузиш бўйича хуқукбузарликни жойида бартараф этиш имконини беради. Бу жиноятчиликнинг олдини олиш ва мамлакатдаги криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатади.

**Тўртинчидан**, полиция жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб бўйича маҳсус профессионал орган бўлишига, унда фан ва техниканинг замонавий ютуқлари, жумладан, электрон тизимлар ва технологиялар татбиқ этилиши асосий эътибор қаратилади. Шу боис, полиция тизимини замонавий технологиялар билан таъминлаш бўйича алоҳида бир неча йилга мўлжалланган дастур қабул қилиниши лозим бўлади.

**Бешинчидан**, полиция тизимида очиқлик, ошкоралик, шаффоффлик ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш, жамоатчиликнинг ишончини қозониш ҳамда ижобий имиджни шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу борада полиция фаолиятининг очиқлиги, шаффоффлигини назарда тутувчи "Очиқ полиция" концепциясини жорий этиш орқали полиция фаолиятида жамоатчилик билан шериклик моделига ўтиш зарур.

**Олтинчидан**, полиция ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуларини жорий этиш талаб этилади. Бунда полиция ходимлари фаолиятини баҳолаш



мезонлари ва даврийлигини аниқлаш, баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларнинг мониторингини юритиш, натижаларини доимий таҳлил қилиб бориш ва шунга асосан ходимларга тегишли рағбатлантириш чораларини қўллаб бориш мақсадга мувофиқ. Айниқса, полиция тизимида раҳбар ходимларни хизматга олишда тегишли кўрсаткичларда кўринадиган аниқ натижаларга эришиш бўйича танлов ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

**Еттингчидан**, полиция тизимини бутун мамлакат бўйлаб бир вақтнинг ўзида жорий этиш жуда мураккаблиги, ички ишлар органлари шахсий таркибининг кўп сонли эканлиги, шунингдек, кўп маблағ ва ресурс талаб қилишини инобатга олган ҳолда мазкур тизимни **эксперимент тариқасида дастлаб Тошкент шаҳрига** татбиқ этиш ҳамда йил якунида апробация натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этган ҳолда ушбу тизимни бутун мамлакат миқёсида татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СУД-ХУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Дилдора Базарова,  
Тошкент давлат юридик  
университети профессори  
Сабина Жавдотова,  
Тошкент давлат юридик  
университети 3-курс талабаси

**Аннотация.** Мазкур тезисда айнан бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳияти ва одил судлов тизимидағи концептуал ўзгаришлар амалий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** қонун, ислоҳот, суд, тизим, давлат, стратегия.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ ислоҳотлари, хусусан миллий қонунчиликда тегишли нормаларни такомиллаштиришга ва мазкур соҳага илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни жорий этишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.

Мазкур суд-хуқуқ ислоҳотлари, хусусан одил-судлов тизимидағи мустақиллиги ва соҳадаги очиқлилиги ўз навбатида – “Инсон қадри”ни ифода этувчи, яъни соҳада ҳар бир фуқаронинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги асосий йўналишлардан биридир.

Бу борада, Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида: “айни вактда одил судлов тизимидағи чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, хуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турганлиги” хусусида такидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг йўналишларидан бири сифатида қайд этиб ўтган ушбу вазифалар бевосита адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг устувор аҳамият касб этади.

Одил судлов тизимида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш, шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қайд этиш жоизки, 2017 – 2021 йиллар давомида республика бўйича жами **3 минг 513** нафар фуқаро оқланган бўлса, шундан жорий йилнинг 9 ойи давомида **743** нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ва **3 минг 835** нафар шахс суд залидан озод қилинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юртимизда сўнги беш йил мобайнида инсон, унинг хуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада одил судлов таъминланиши оқибатида мазкур натижаларга эришилган.

Шунингдек, суд тизимини ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш ҳамда мазкур тизимни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи мустақил институтга айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу чора-тадбирлар мазмунида судлар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этилиши мукаммал одил судловга эришиш ва тизим фаолиятида очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш имконини берди.

Ўтган беш йил давомида судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш борасида 10 га яқин норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва ушбу йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилашни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари бўлди.

Судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида, ахборот технологияларини кенг жорий этилиши натижасида, аҳолига қулай бўлган ахборот тизимлари яратилиб, ишга



тушурилди.

Жумладан, барча инстанция судлари фаолиятига “e-xsud” ҳамда “e-sud” ахборот тизимлари ҳамда марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси жорий қилинган бўлиб, ушбу тизим асосида судларга келиб тушган ишларни электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш, судларга электрон шаклда келиб тушган ариза ва мурожаатларни рўйхатга олиш ва суд хужжатларини электрон шаклда юбориш, ишларни судьялар ўргасида инсон омилисиз автоматик тарзда тақсимлаш амалга оширилади.

Шунингдек, судлар бўйича барча якуний суд қарорлари судьялар томонидан “public.sud.uz” веб-сайтига жойлаштирилади. Жорий йилнинг ноябрь ойи ҳолатига 119.490 та жиноят ишлари бўйича суд қарорлари, 743.860 та маъмурий ишлар бўйича суд қарорлари, 343.955 та иқтисодий ишлар бўйича суд қарорлари, 609.147 та фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари қўриб чиқилиб, ушбу сайтга жойлаштирилган.

Қайд этилган ахборот тизимлари судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш билан бирга, фуқароларга янада енгилик яратиб, ортиқча бюрократияни олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, сўнги йилларда фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда қўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти бир мунча такомиллаштирилди.

Жорий йилдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюриесдикция судларини ташкил этилди.

Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди.

Жиноят ишларини судда қўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамоилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўскенилик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритилади.

Шунингдек, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликка янги институт, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган “Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув” институти жорий этилди.

Хуроса ўрнида таъкидлаш лозимки, суд-хуқуқ ислоҳотлари тизимида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ўз навбатида фуқаро ва тадбиркорларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ҳамда жамият ҳаётида одил судловни самарали таъминлашда муҳим аҳамиятга эга хисобланади.



## ПСИХОЛОГИК ОПЕРАЦИЯ БЎЛИНМАЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ ВА ШАКЛЛАНИШИННИГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Шухратжон Шакиров,  
Тошкент давлат юридик университети  
Ихтисослаштирилган филиалининг кафедра мудири,  
shuxratshakirov0747@gmail.com

**Аннотация:** мақолада турли хил жамият ва давлатларда психологик операцияларнинг пайдо бўлиши ва кейинчалик шаклланишининг тарихий асослари уларнинг жойлашуви, урф-одатлари, дини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилади. Душманни қуролли кучлари ва ахолисига психологик таъсир ўтказишнинг турли шакл ва усуллари ҳам ўрганилмоқда.

**Калит сўзлар:** психологик операция, мафкура, қуролли кучлар, бошқарув органи, бўлинма, ахоли, жамият, давлат, манфаат, руҳий холат, ахлоқий холат.

Психологик операция (ПсО) бўлинмалари эҳтимол ҳозирги замонавий талқинда эмасdir, лекин қадимги замонларда PsO пайдо бўлиши назарияси билан бир вақтда, жамият ёки давлатнинг қаршилигини тўхтатиш ва руҳий тушкунликга тушириш, умуман олганда ўз мақсадларига эришиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида таъсир ўтказиш субъекти сифатида шакллана бошлаган.

АҚШ мутахассисларининг фикрича, психологик операциялар тушунчаси кенг ва тор талқинга эга. Кенг маънода PsO – одамнинг муносабати ва хатти-ҳаракатларига маълум бир даражада таъсир кўрсатиш учун ахборотни тарқатиш воситалари, шакллари ва усулларидан режавий фойдаланиш тушунилади. Бундай операциялар сиёсий, ҳарбий ва мафкуравий тадбирлардан иборат. Улар давлат сиёсатининг асосий ўйналиши бўйича амалга оширилади, ҳарбий томони эса тегишли давлат идоралари фаолияти билан мувофиқлаштирилади.

Тор доирада, PsOлар қуролли кучлар томонидан душманни руҳий тушкунликга тушуриш ва йўқ қилиш учун ишлатилиди. Бундан ташқари, PsOлар иттифоқдош ва дўстона давлатларнинг қуролли кучлари, ахолиси ва шахсий таркибини бирлаштариш, ахборот билан таъминлаш ва маънавий ҳолатини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшади [1].

АҚШ армиясининг дала қўлланмасига кўра, PsO – бу тинчлик ёки уруш даврида душман, дўстона ёки нейтрал аудиторияга йўналтирилган, уларнинг муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари АҚШнинг сиёсий ҳамда ҳарбий миллий мақсадларига эришиш учун қулай йўналишда таъсир қилиш учун олиб бориладиган режалаштирилган тарғибот ва психологик фаолиятдир [2].

PsOлар ибтидоий жамоа тузумининг парчаланиши даврида ва қулдор давлатлар урушларида қабилаларнинг тўқнашувларида аллақаҷон ўтказилган.

Қадимда душманга таъсир ўтказиш ва ахлоқий ҳолатини бузишнинг энг кенг тарқалган усули бу жанговар кучи билан қўрқитиш бўлган. Масалан, Чингизхон ва Ганибал жанг бошланишидан олдин ҳам тегишли бўлинмалар ва одамлар орқали “янги яширин қурол” – уруш филлари, “оловли илонлар”, заҳарли тутун ва бошқалар ҳақида атайн миш-мишлар тарқатишган.

Милоддан аввалги 480 йилда Юноностонга боришдан олдин Форс қўмондони Ксеркс душманга ҳиссий таъсирини кучайтириш учун кўплаб қўшинлари ҳақида миш-мишлар тарқатган, шунингдек тегишли руҳонийларга таъсир қилиб, яқин орада мағлуб бўлишлари ҳақида хабарлар берган. Ушбу фаолият биринчи марта милоддан аввалги 500 йилда Хитойда уруш санъати тўғрисидаги энг қадимги рисолалардан (Сун Цзи) бирида тасвирланган [3]. Шу билан бирга, қадимги Хитойда PsOни ўтказишнинг барча доктринаси Лао Цзининг фалсафий таълимотларига асосланган бўлиб, унда душманнинг стратегияси ва дипломатиясига таъсир кўрсатишга, ўз кучини намойиш этишга ва омадга кўр-кўрони ишонишни рад этишга катта эътибор берилган.

Яна бир “Урушнинг олтида санъати” номли рисолада қадимги Хитой армиясига хос бўлган штаб тузилиши намунасини келтиради. Бош оғисдаги 72 ходимдан 19 нафари PsOни ўтказишга жавобгардилар. Улардан 5таси ўз армиясининг қудратини етказишарди, 4таси ўз қўшинларининг шон-шарафини мақташарди, 8таси душманнинг ниятларини пучга



чиқаришарди ва 2таси ўнинг аскарлари орасида худоларга ва руҳларга бўлган ишончини йўқотишарди [4].

Қулдорлик даврида Ҳиндистонда уруш олиб бориш тажрибаси “Ману қонунлари” шаклида умумлаштирилди, улар ҳарбий масалалар билан бир қаторда урушнинг ахлоқий асосларини белгилаб берди. Улардаги тавсияларидан бирига биноан, урушаётганлар “бунга мойил бўлган душман қўшинларининг ғазабини кўзгашлари” керак.

Ушбу даврда қўрқитиши ва миш-мишларни тарқатиши усули маълум бир мукаммалликка эришди. Примитив шаклда душман лагеридаги қарама-қаршиликларни кучайтириш, “бешинчи устун”ни ишлатишнинг аҳамияти тўғрисида тушунча пайдо бўлди. Урушнинг адолатли моҳиятини эълон қилиш ва душман томонидан унинг адолатсиз олиб бориляптурганилиги каби усуллардан фойдаланиш ривожланди. ПсОларда диний омил ҳам иштила бошлади.

Американинг мустакиллиги учун олиб борилган урушда, америка варакаларида, улар томонига ўтадиган инглизларга хизмат қилаётган ҳар бир гессиан ёлланма ишчисига ер ажратишга ваъда берилар эди.

Миср юришлари пайтида Наполеон мисрликларга қаратилган тарғиботида Франциянинг Малтага қарши курашини бир вактнинг ўзида Малтанинг рицарларига қарши курашишидан фойдаланишга уринди. ПсО усуллари Франция душманлари томонидан ҳам қўлланилган. Россия армиясининг Италияга юриши пайтида Суворов Пиедмонт армиясининг собиқ аскарларига рус-австрия қўшинлари томонига ўтиш таклифи билан мурожаат қилиб, натижада улар нафақат якка тартибда, балки бўлинма ва қўшин билан ўтишди.

Шундай қилиб, турли даврларда инсониятнинг ривожланиш даражасини, илмий-техникавий тарақиётнинг хусусиятларини ҳар хил даражадаги жамият ва давлатлар, уларнинг геосиёсий жойлашуви ва манфаатлари, шунингдек бошқа кўплаб омил ва шароитларни хисобга олган ҳолда ПсО ҳар қандай услуг ва усуллар билан амалга оширилган, бўлинмаларнинг номлари, тузилма ва таркиблари, мақсад ва вазифалари эса ҳар хил бўлган.

#### **Адабиётлар:**

1. Вепринцев В.Б., Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Ахборот-психологик уруш операциялари: қисқа энциклопедик луғат. – М., 2005.
2. АҚШ армиясининг дала низоми, FM 33-1. Психолог операциялар.
3. Ахборот ва психологик таъсир назарияси ва амалийтининг тарихий жиҳатлари (<http://www.vrazvedka.ru/main/analytical/lekt-02.shtml>).
4. Авраменко А., Старунский А. Зарубежное военное обозрение, 2005, № 4.



## ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ХУҚУҚЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҚАФОЛАТЛАРИ

Дилдора Базарова,  
Тошкент давлат юридик университети,  
“Жиноят-процессуал хуқуқи” кафедраси мудири,  
профессор, юридик фанлар номзоди.

**Аннотация.** Бошқа соҳаларда бўлганидек, жиноят процессида ҳам шахс хуқуқ ва эркинликларини таъминланиши ҳамда бу борадаги одил судловга эришиш, шунингдек процесс иштирокчиларининг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари тизими мавзуси юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунга кўра, мазкур тезисда жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиласиган шахслардан бири бўлган гумон қилинувчи ва унинг хуқуқлари процессуал кафолатлари мавзуси назарий ва амалий таҳлил қилинганд.

**Калит сўзлар:** гумон қилинувчи, айб, кодекс, жиноят, жиноят процесси, тергов.

Жиноят процессида шахс хуқуқ ва эркинликларининг бевосита таъминланиши жиноий иш юритувининг барча босқичларида одил судловга эришишда ҳамда соҳада қонун устуворлигини ўрнатишда, шунингдек процесс иштирокчиларининг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликка кўра[1], жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиласиган шахслардан бири бўлган жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс “гумон қилинувчи” хисобланади.

Айрим процессуалист олимларнинг фикрича, айбини бўйнига олиб келган шахсга процессуал маънода гумон қилинувчи деб қаралиши мумкин эмас. Унга айблов эълон қилиш (башарти бунинг учун етарли асослар бўлса) ёхуд тушунтириш хати олиб, сўнгра гумон қилинувчи сифатида тан олиш ва сўроқ қилиш керак[2].

Маълумот ўрнида, “гумон” тушунчасига назарий жиҳатдан тавсиф бериладиган бўлса, шубҳа – бу жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари сурилган жиноят қонуни билан тақиқланган харакатни содир этган шахснинг иштироки тўғрисида тегишли маълумотларга асосланган тахмин[3].

Бизнингча, жиноят иши юритувида у ҳақида жиноят содир этганлиги тўғрисида асосли тахминлар илгари сурилган ва баён қилинган ҳамда унга нисбатан тегишли процессуал ҳаракатлар амалга оширилган шахс – гумон қилинувчи сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, С.А.Яковлева ва А. И.Виноградоваларнинг фикрича[4], қуйидагиларга кўра гумонланувчи этиб топилади:

- жиноят ҳақида дастлабки терговда қатнашган шахс, ушланганлик тўғрисидаги баённома тузилган пайтдан бошлаб;
- шахснинг хуқуқ ва эркинликларига таалукли тергов ёки процессуал ҳаракат протоколи тузилган пайтдан бошлаб, жиноят тўғрисидаги хабарни дастлабки текширишда иштирок этаётган шахс;
- асослар бўйича жиноий иш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинган шахс;
- гумон қилинаётган шахсни ушлаш тўғрисидаги баённома тузилган шахс;
- айблов эълон қилинишидан олдин унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор қабул қилинган шахс.

Х.Г.Дациеванинг нуқтаи назари[5] эътиборга лойик бўлиб, унга кўра шахс гумон қилинувчининг хуқукий мақомини олган пайтни “уни тегишли жиноят-процессуал фаолият соҳасига ҳар қандай жалб қилинганлиги билан боғлайди”.

Гумонланувчининг хуқукий мақоми ва унинг жиноят процессидаги иштирок этиш назарияси ва амалиётини ўрганиш, ушбу субъектнинг жиноят иши юритувидаги хуқукий ҳолатидан келиб чиқиб, хуқуқларининг процессуал кафолатлари тизимини белгилашда аҳамиятга эга.

Шахс хуқуқларининг процессуал кафолатлари таърифига берилган назарий холосалардан



келиб чиқиб, процессуал кафолатлар қуидаги элементларни қамраб олади: 1) жиноят процесси тамойиллари; 2) процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 3) шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги мансабдор шахсларнинг вазифалари.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, гумон қилинувчининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 47-моддасига кўра, шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у амалда ушланган ёки жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидириув тадбири амалда якунланган ёхуд унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, Жиноят-процессуал кодексининг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳукуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов харакатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг харакатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга [6].

Жиноят-процессуал кодексига биноан, гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Кодекснинг 24-моддасига кўра, гумон қилинувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуки суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усувлардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, “гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуқи” тушунчасига ҳуқукий тавсиф берилиши мақсадга мувофик.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айланувчини ҳимоя ҳуқуки билан таъминлашга оид қонуларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида аниқ ҳуқукий таъриф берилган.

Қарорга кўра, гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуки — юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усувлар) йиғиндисидир. Ҳимоя ҳуқуки жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичида таъминланади. Қонунга кўра (ЖПК 24, 64-моддалари), жиноят ишини юритишга масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) гумон қилинувчига унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари ва ўзига тегишли ҳимоя ҳуқукидан амалда фойдаланиши учун реал шароит яратиб бериллари шарт.

Қарорнинг 7-бандига кўра, гумон қилинувчини ҳимоя ҳуқуки билан таъминлашнинг муҳим элементларидан бири қонун томонидан унга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья)нинг процессуал харакати ёки қарори устидан белгиланган тартибда шикоят бериш ҳуқуқининг берилишидир. Жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят гумон қилинувчининг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан ҳам берилиши мумкин.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуқини процессуал кафолатларининг асосий элементлари сифатида кўриш мумкин.

Шунингдек, Ю.Б.Чупилкин томонидан “гумон қилинувчининг процессуал кафолатларига



кўра, уни жиноят процессида гумон қилинувчи сифатида жалб қилиш учун қонунчиликда назарда тутилган тартибда процесс босқичларида ҳимояланиш ҳуқуқлари, шунингдек, гумон қилинувчининг ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун суриштирув, терговчи, прокурор ва суд органларининг фаолиятини тушуниш" таклиф этилган [7].

Гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари жиноят-процессуал кафолатларининг бўлди. Хусусан, тергов органлари мансабдор шахслари ва гумон қилинувчи, ҳимоячи ўртасида муайян процессуал ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлиб, унда ушбу мансабдор шахсларнинг қонунчиликда белгиланган мажбуриятларини амалга оширишлари гумон қилинувчи ҳуқуқлари кафолатининг муайян бир элементи сифатида харакат қиласди.

Е.Э.Цибартнинг фикрича, гумон қилинувчи ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари, унинг субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш шартлари ва тартибини, шунингдек, мансабдор шахсларнинг, тергов органларининг вазифаларини ўз ичига қамраб олган ҳуқуқий нормалардир. Албатта, процессуал кафолатлар ўз-ўзидан эмас, балки шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўла рўёбга чиқариш учун қизиқарлидир (шуниг учун улар шахснинг процессуал позициясини тавсифлайди) [8].

Бизнингча, "гумон қилинувчи ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари" – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс (гумон қилинувчи) нинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қоидалар ҳамда бу борадаги мансабдор шахсларнинг вазифа ва мажбуриятларининг ягона тизими.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслардан бири бўлган гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқларини процессуал кафолатланиши ўз навбатида жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита таъминланиши ҳамда жиноий иш юритувининг барча босқичларида одил судловга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жиноят-процессуал кодекси // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Қаранг: Григорьев В.Н. Задержание подозреваемых органами внутренних дел. Т.:1989.-Б.9.
3. Қаранг: Дикарев И. Подозрение в уголовном процессе// "Законность". 2013. №8. - С. 20.
4. Қаранг: Яковлева С. А., Виноградова А. И. О понятии "Подозреваемый" в Российском уголовном процессе // Марийский юридический вестник №1(16)./2016.С - 52.
5. Дациева Х. Г. Институт подозреваемого в механизме уголовного преследования// Проблемы в российском законодательстве. 2013. № 3. - С.152.
6. <https://lex.uz/docs/111460>
7. Қаранг: <http://kalinovsky-k.narod.ru/b/avtoref/chupilkin.htm>
8. Цибарт Е.Э. Понятие механизма обеспечения прав и свобод личности подозреваемого //ВЕСТНИК ОГУ №3 (139)/март 2012. – С.224.



## МУЛКИЙ КОМПЛЕКС СИФАТИДА КОРХОНА БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИННИГ ЎЗИГА ХОС-ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳажиев Улугбек Қўзибоевич  
Ўзбекистон Республикаси Ички  
ишлар вазирлиги Академияси  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу тезисда мулкий комплекс сифатида корхона билан тузиладиган ишончли бошқариш шартномасининг ўзига хос-хусусиятлари ҳамда унга доир илмий ёндашувларнинг аҳамиятида доир айрим мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, иш муаллифнинг шахсий илмий хуласалари билан бойитилган.

**Калит сўзлар :** кўчмас мулк, корхона, мулкий комплекс, шартнома, ишончли бошқарих шартномаси, мерос, маҳсус қоида.

Кўчмас мулк обьектлари ичидаги корхона ва бошқа мулкий комплекслар ишончли бошқариш шартномаси мақсадларига тўлиқ мос келади. Маълумки, обьект сифатида корхона мулкий комплекс ҳисобланади. Корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк деб эътироф этилади. Ишончли бошқаришнинг бўлиши мумкин бўлган обьектларидан бири сифатида ФК 851-моддасида корхона билан бир қаторда “бошқа мол-мулк комплекслари” ёзилган. Бироқ “бошқа мол-мулк комплекс”лар қайси белгиларга асосан ажратилиши тўғрисида қонунчиликда аниқ кўрсатма ҳамда улар фуқаролик ҳуқуқининг мустақил обьекти бўла оладими деган саволга жавоб тополмаймиз. Умуман ФК 49 бобида корхона ҳамда бошқа мулкий комплекслар билан тузиладиган шартномани тартибга солишга қаратилган қандайдир маҳсус қоида учрамайди. ФК 6 боби фақат корхоналарни мулкий комплекс сифатида эътироф этади. Шунинг учун ФК 242- моддаси ва ФК 851-моддаси баёнида ноаниқликлар учраб турибди. Балки қонунчилик “бошқа мулкий комплекслар” тушунчасида у бир томондан корхона эмас, чунки зарурий белгилари йўқ, бошқа томондан мураккаб ашё доирасидан чиқиб ўз ичига мулкий ва мутлақ ҳуқуқларни олувчи мол-мулкнинг қандайдир мажмуини назарда тутади. Бундан ташқари, фикримизча, бу ерда ашё ва ҳуқуқларнинг оддий тўплами ҳакида сўз кетмаяпти, балки ўзаро қандайдир алоқага эга (ягона ишлаб чиқариш циклини таъминлаш; ягона мақсадни кўзлаб фойдаланиш) обьектлар назарда тутилаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол қонуншунос фақат алоҳида ашё ва ҳуқуқларни эмас, балки уларнинг мажмуини ҳам ишончли бошқаришга берилиши мумкинлигига урғу берадигандир.

Юридикадабиётлардакорхонавабошқамулкийкомплекслартушунчалариниажратишуучун куйидаги мезонлар таклиф этилган корхона таркибида корхонани индивидуаллаштирадиган номулкий ҳуқуклар, маҳсулот сотувчи ва сотиб олувчида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги<sup>1</sup>; корхона-ёпиқ ишлаб чиқариш цикли, бир бутун технологик жараённи ташкил қилувчи мулкий комплекс<sup>2</sup>; даромад олиш мақсадини кўзлаб фойдаланилаётган мулкий комплекс корхонани ташкил қиласиди<sup>3</sup>. Бундан ташқари мулкий комплексни корхона деб эътироф этиш учун у амалда фаолият юритаётган бўлиши керак. Агарда хўжалик фаолиятини юритиш имконияти бўлмаса бундай ҳолатда мулкий комплекслар корхона деб эътироф этилмайди. Масалан, мерос, яъни мерос мулк комплексини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мерос бу алоҳида хужжатлаштирилиб ажратиб кўйиладиган мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг, ашёларнинг мажмуидир. Комплекс таркибида кирувчи ҳар қайси алоҳида мулкий обьектнинг ажратиб олиниши хужжатлаштирилади. Демак, корхона каби бошқа мулкий комплекслар таркибида ҳар қандай, ҳаттоқи алоҳида ажратиб олинган холда ҳам ишончли бошқаришда бўла олмайдиган обьектлар кириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида корхонани ишончли бошқариш шартномаси, шу қаторда мулкий комплекс сифатида корхонани ишончли бошқариш

<sup>1</sup> Жариков Ю.Г., Масевич Н.Г., Недвижимое имущество:

<sup>2</sup> Гражданское право. Учебник. Ч.2./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М,1997.-С.106.

<sup>3</sup> Степанова Т.Г., Гражданского-правовой режим доверительного управления недвижимым имуществом. Диссер. На соиск.уч.степ.канд.юр.наук.,М.2005.-С.102.



шартномаси шакли тўғрисида маҳсус қоидалар учрамайди. Бироқ, ҳуқукий муносабатларнинг ўхшашлиги ҳамда кўчмас мулкни сотиш шартномаси шакли тўғрисидаги қоидаларга мурожаат қилиб қонун аналогиясидан келиб чиқиб корхонани ишончли бошқариш муносабатларга корхонани сотиш шартномасининг шакли тўғрисидаги нормаларни кўллаш мумкин. Эслатамиз, корхонани сотиш шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади ҳамда томонлар тасдиқлаб, унга инвентаризация акти, бухгалтерия баланси, корхона таркиби ва баҳоси тўғрисида мустақил аудиторнинг хulosаси, корхона таркибидаги барча қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати, кредиторларнинг номлари, улар томонидан билдирилаётган талабларнинг миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳужжатлар ҳолда илова қилинади. Ушбу талабларга риоя қилмаслик корхонани сотиш шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Ушбу талаблар бир неча ҳолатлар билан тасдиқланади.

**Биринчидан**, ишончли бошқаришга топширилаётган мулкнинг таркибини белгилаш ишончли бошқариш шартномасининг зарурий шартларидан бири ҳисобланади (ФК 853 моддаси 1-қисмининг 1-банди). Шунинг учун юқорида тилган олинган ҳужжатларни тайёрлаш ишончли бошқаришга берилаётган корхона таркибини белгилашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Одатда инвентаризация актида, бухгалтерия балансида, корхона таркиби ва баҳоси тўғрисидаги мустақил аудиторнинг хulosасидаги аҳборотни акс эттириш жуда мураккаб ишдир. Шунинг учун биз ушбу ҳужжатларни ишончли бошқариш ширтномасига мажбурий илова қилиш қоидалар ўрнатилишининг зарурлиги тўғрисидаги хulosага келдик. Бундан ташкари корхона тадбиркорлик фаолиятида фойдаланадиган амалда фаолият юритаётган мулкий комплекс ҳисобланади. Шунинг учун бундай мулкий комплекс таркибида талаб қилиш ҳуқуки ва қарзлар бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб корхона таркибини аниқ белгилаш учун ишончли бошқаришга берилаётган корхона таркибида барча қарзлар рўйхатини тузиш зарур.

**Иккинчидан**, қонунчиликда ишончли бошқаришда бўлган мол-мулкни ишончли бошқариш муассисининг бошқа мол-мулкидан ажратиб олиш зарурияти белгиланган. Ушбу мол-мулк алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб юритилади (ФК 855 -моддасининг 1- қисми). Демак, мазкур меъерий талабни инвентаризация актисиз, бухгалтерия балансисиз, корхона таркиби ва баҳоси тўғрисидаги аудиторнинг хulosасисиз ҳамда корхона таркибидаги барча қарзлар рўйхатисиз бажарилишини таъминлашнинг имкони йўқ. ФК 49 боби корхона сотиш ва ижарага бериш шапртномаларидан фарқли ўлароқ тегишли корхонани ишончли бошқаришга топшириш ҳолатларида унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича кредиторларни огоҳлантириш мажбурияти тўғрисидаги талабни назарда тутмайди. Маълумки корхонанинг ўзига хос жихати шундан иборатки мазкур мулкий комплекс таркибига барча талаб қилиш ҳуқуки ва қарзлар киради. Шунинг учун ҳар қайси корхона бўйича битим у ёки бу томондан кредиторларнинг ҳуқуқларига ҳам тааллуклидир. Чунки улар ўзларининг талаб қилиш ҳуқуқининг “тақдирига” бефарқ эмаслар. Айнан шу сабабли корхонани сотиш ёки ижарага беришда бундай битимнинг қонунийлигига баҳо беришда кредиторлар ҳуқуқларига риоя этилганлиги факти мажбурий текширилиши талаб этилади.

Бундан келиб чиқиб қонун аналогиясидан фойдаланган ҳолда ушбу қоидани корхонани ишончли бошқаришга бериш ҳолатларига қўллаш заруриятига имкон яратилади. Чунки корхонани ишончли бошқаришга топшириш кредиторлар манфаатларига ҳам тааллукли бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Фикримизча, бир қатор сабабларга кўра ушбу нуқтаи назарга қўшилиб бўлмайди. Маълумки таркибида талаб қилиш ҳуқуки ва қарзлар бўлган корхонани сотиш дегани ушбу талаб қилиш ҳуқуқларидан сотиб оловчи фойдасига воз кечиш ва унга қарзларни ўтказишидир. Қонунчиликда корхона таркиbidаги талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ва қарзларни ўтказиши корхонани ижарага бериш ҳолатлари учун назарда тутилган (ФК 579-модда). Демак ушбу битимлар тузилганда мажбуриятга эга шахс ўзгаради. Айнан ушбу ҳолатни инобатга олиб ФК корхона бўйича сотувчи (ижарага оловчи) тузилаётган битим тўғрисида кредиторларни огоҳлантириш зарурлиги тўғрисидаги қоидани назарда тутади. Бироқ корхонани ишончли

1 Витрянский В.В. Договор доверительного управления имуществом.-М., 2002.- С.75-76.



бошқаришга беришнинг корхона сотиш ёки ижарага бериш шартномасидан фарқ қилувчи асосий жиҳати бу корхонани ишончли бошқаришга топширишда ишончли бошқарувчига корхона таркибидаги қарзларни ўтказиш (шу қаторда, талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиши) ҳолатлари рўй бермайди. Бу эса ишончли бошқаришга оид муносабатларга қарзларни ўтказиш тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилишини инкор этади. Яъни, мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш жараёнида ушбу мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтказилишига олиб келмайди (ФК 849-модданинг 2-қисми). Бунинг билан қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилгандек фақат мулк ҳуқуқи эмас, балки ишончли бошқариш обьекти ҳисобланадиган бошқа ҳар қайси ҳуқуқининг ўтмаслигини билдиради. Айнан мана шу ишончли бошқариш мазмунини ташкил қиласди. Шунинг учун мулкий комплекс сифатида корхонани ишончли бошқаришга топшириш ҳолатларида унга бўлган мулк ҳуқуқи ҳамда уни ташкил қилувчи барча элементларга бўлган ҳуқуқлар бошқарув муассисида сақланиб қолади ва талаб қилиш ҳуқиқидан воз кечиши рўй бермайди. Бинобарин бошқариш муассисининг қарзларини ишончли бошқаришга ўтказиш ҳолати содир бўлмайди. Айтиб ўтилганидек, корхона билан битим тузилганда унинг таркибидаги мол-мулкнинг алоҳида турлари эмас, балки фуқаролик ҳуқуқининг мустақил обьекти, ягона мулкий комплекс ҳисобланадиган бутун корхонанинг ўзи предмет ҳисобланади. Шунинг учун корхона таркибидаги алоҳида ҳуқуқлардан воз кечиши ёки қандайдир қарзларни ўтказиш ишончли бошқаришга топширилаётган ҳолатларда содир бўлмайди. Агарда, фараз қиласиз, ишончли бошқариш жорий этилган ҳолатда қарзлар ўтказилса, унда ким мажбуриятга эга шахс (яъни қарздор) бўлиши мумкинлигини аниқлаш зарур бўлади. Мантиқий фикрлайдиган бўлсак янги қарздор ишончли бошқарувчи бўлиши керак. Бироқ ФК 49 бобини таҳлили буни тескарисини тасдиқлайди. Хусусан, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк ишончли бошқарувчининг бошқа мол-мулкидан ажратилиши лозим (ФК 855-модданинг 1-қисми); ишончли бошқариш билан боғлиқ мажбуриятлар шу мол-мулк ҳисобидан бажарилади (ФК 857-модданинг 2-қисми); ишончли бошқарувчida ушбу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлар вужудга келмайди (ФК 849-модданинг 2-қисми); ишончли бошқарувчи ўзи учун бошқаришга топширилган мол-мулкдан фойда ололмайди, у фақат мол-мулкни бошқарув муассиси ёки фойда олувчи манфаатларини кўзлаб ишлатади (ФК 849-модданинг 1-қисми; 859-модданинг 1-қисми). Агарда мол-мулк бошқаришга топширилиб ишончли бошқарувчи учинчи шахслар олдида қарздор бўлиб қолганда, у ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк ҳисобидан ушбу мажбуриятларни бажара ололмасди. Чунки бунинг учун ҳуқуқий асослар йўқ. Шунинг учун учинчи шахслар олидаги мажбуриятларни ўзининг шахсий мол-мулки ҳисобидан бажаришга мажбур бўларди. Бу эса ФК 49 бобида назарда тутилмаган. Ишончли бошқарувчи ўз номидан ҳаракат қиласада, барибир у ўзини шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганлигини кўрсатиб туриши керак (ФК 849-моддасининг 5-қисми). Бу эса контрагентларга ишончли бошқарувчи “мулқдорнинг топшириғига биноан” ҳаракат қилаётганлиги тўғрисидаги ахбортни олиш тўғрисидаги имкониятни яратиб туради.Faқат ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида контрагентларга ҳабар қилмаган бўлса, ишончли бошқарувчи учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қарашли мол-мулк билан жавоб беради. Бундан келиб чиқадиги оҳирги қоида истисно тариқасида амал қилмоқда. Умумий қоидага кўра эса ишончли бошқарувчи учинчи шахслар олдида мажбурият олмайди. Бошқариш муассиси ишончли бошқаришдаги мол-мулкнинг мулқдори сифатида мажбурият олади. Шунга қарамасдан ишончли бошқарувчи ўз номидан унга топширилган мол-мулк билан битимлар тузади, у амалда мулкий айланмада мол-мулк мулқдорининг “ўрнини босади”. Ишончли бошқарувчи, худди мол-мулкнинг мулқдори каби, унга ишониб топширилган мол-мулк юзасидан бошқаришни амалга оширади. Ишончли бошқарувчи бошқариш муассисининг, мулкий комплекс таркибидаги, барча мажбуриятларни бажариши керак. Ишончли бошқарувчининг ҳар қандай ҳаракатлари онгли равишда бажарилган деб ҳисобланади. Ва, умуман, мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш, мазкур мол-мулкдан даромад олишга қаратилган профессионал фойдаланишни билдиради. Ишончли бошқаришга оид муносабатларга нисбатан ФК 492-моддасининг 5-қисми (корхонани сотишда кредиторларнинг ҳуқуқлари) ва ФК 579- моддасининг 4-қисми (корхонани ижарага бериш шартномаси) назарда тутилган қоидаларни қўллаб бўлмайди. Яъни, юқоридаги норма талабларига кўра, сотиб олувчига (ижарага олувчига) корхона



топширилгандан кейин сотувчи ва сотиб олувчи (изараага берувчи ва изараага олувчи) корхона таркибиға киритилган, кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Бу ерда корхонани ишончли бошқаришга (шу қаторда унинг таркибидаги қарзлар) топширилгандан кейин кредитор ўзининг талабларини қаноатлантириш тўғрисидаги мурожаатни бериш ҳолатлари ҳақида сўз юритилмоқда.

Фикримизча, корхона ишончли бошқаришга топширилгандан кейин, унинг таркибиға киритилган барча қарзлар, ишончли бошқаришга берилган мол-мулк ҳисобидан қопланади. Мазкур мол-мулк микдори қарзларни қоплаш учун етарли бўлмаса ишончли бошқаришга топширилмаган, бошқариш муассисининг бошқа мол-мулки ҳисобидан қопланиши лозим. Буни куйидагича асослантириш мумкин. Биринчидан, маълумки ишончли бошқаришга мол-мулк топширилганда мол-мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ишончли бошқаришчига ўтишига олиб келмайди. Яъни, ишончли бошқаришга топширилган корхонанинг мулкдори бошқариш муассиси бўлиб қолади. Демак, корхона таркибидаги қарзлар бўйича бошқариш муассиси мажбуриятли шахс ҳисобланади. Бунданташқари, ишончли бошқаришчи бошқариш муассиси билан бўлган ўзаро муносабатларда хизмат кўрсатувчи шахс сифатида намоён бўлади. Бунинг учун эса у шартномада белгиланган мукофотини олади. Ишончли бошқаришчининг бундай мақоми шундан далолат берадики, унга ишончли бошқаришга берилган мол-мулк таркибиға киравчи, бироқ, ушбу мол-мулк топширилгунга қадар вужудга келган қарзлар бўйича (на солидар, на субсидиар) жавобгар бўлмайди. Умуман, ишончли бошқариш билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича ишончли бошқаришчи жавобгар бўлиши мумкин ҳолатлар ФК 859-моддасида белгиланган. Ушбу модданинг таҳлили шундан далолат берадики, ишончли бошқаришчи факат ўзининг ҳаракат (ҳаракатсизлиги); ишончли бошқариш билан боғлиқ қарзлар бўйича жавобгар бўлади. Ва, аксинча, қонунчиликда мол-мулкни ишончли бошқаришга топширилгунга қадар вужудга келган бошқариш муассисининг қарзлари бўйича ишончли бошқаришчининг жавобгарлиги назарда тутилмаган. Иккинчидан, мол-мулк ишончли бошқаришга топширилгандан кейин у ажратиб олинган мол-мулк эканлигини инобатга олиш зарур. Ва, агарда, корхона бундай мол-мулк бўлиб ҳисобланса, унда унинг таркибидаги қарзлар ҳам ажратиб олинган мол-мулк таркибиға киради. Эслатиб ўтамиз, ФК 855-моддасига кўра ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб юритилади. Шунинг учун, бошқариш муассиси қарзлар бўйича жавобгар шахс бўлиб қолади. Бироқ, муассис қарзларнинг вужудга келишига олиб келган мажбуриятларини ўзининг бошқа ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулки ҳисобидан бажара олмайди.

Шундай қилиб, фикримизча, агарда кредиторлар корхона ишончли бошқаришга топширилгандан кейин ўз талаблари билан чиқсалар, бундай ҳолатда ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк ҳисобидан ушбу мажбурият (қарзлар) бўйича талаблар ишончли бошқаришга берилган мол-мулк ҳисобидан қаноатлантирилади. Агарда мол-мулк етарли бўлмаса бошқарув муассиси- жавобгар шахснинг ишончли бошқаришга топширилмаган мол-мулки ҳисобидан қопланади. Ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳолатда бошқарув муассиси мулкининг камайишига олиб келади. Бироқ бу асослидир, чунки ўз қарзлари бўйича мажбурият эга шахс жавобгар ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Жариков Ю.Г., Масевич Н.Г., Недвижимое имущество. Гражданское право. Учебник. Ч.2./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М,1997.-С.106.
2. Степanova Т.Г., Гражданского-правовой режим доверительного управления недвижимым имуществом. Диссер. На соиск.уч.степ.канд.юр.наук.,М.2005.-С.102.
3. Витрянский В.В. Договор доверительного управления имуществом.-М., 2002.-С.75-76.



## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ ХУҶУҚИЙ ТАРТИБА СОЛИШ

**Юсупов Сардорбек Баҳодирович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Маъмурӣ ва молия хуҷуқи” кафедраси  
мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: s.yusupov020@gmail.com

Бюджет қонунчилигини муҳим жиҳатларидан бири ҳар йили давлат бюджети тўғрисидаги қонунчиликни ишлаб чиқилишидир. Жумладан, Ўзбекистонда 2020 йил 25 декабрда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Бу борада И.Тимошенконинг таъкидлашича, парламентнинг давлат бюджети даромадлари ва харажатлари устидан молиявий назорати уларнинг ҳар йили қонун даражасида тасдиқланишини назарда тутади<sup>1</sup>.

Хорижий мамлакатларда ҳам йиллик давлат бюджети тўғрисидаги қонунни қабул қилиш тажрибаси мавжуд. Мисол учун, Францияда молиявий йил бошланишидан 6-7 ой олдин, бюджет мақсадлари ва сиёсатига оид бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини хукумат тақдим этиши шарт. Бразилияда ҳар йили июн ойининг охиригача (янги йил олдидан 6 ой олдин) Конгресс бюджетни қонун кўринишида қабул қиласди. Швецияда хукумат томонидан тақдим этилган лойиҳа асосида парламент қонун қабул қиласди. Парламент лойиҳани кўриб чиқишида давлат бюджетини 27 та харажат соҳасини кўриб чиқади<sup>2</sup>.

Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид қонунчиликдаги мунозарали масалалардан бири Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилиниши билан боғлиқдир. Мазкур масала қўплаб давлатлар тажрибасида ҳам мунозарали ҳисобланади. Биринчи навбатда давлат бюджети тўғрисидаги қонун ҳар йили қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги билан боғлиқдир. Айрим мамлакатлар (Германия, Финландия, Япония ва бошқа)да давлат бюджети тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилмаса, олдинги йилги қонунни амалга киритилиши назарда тутилади. Канада, Ирландия, Янги Зеландия ва бошқа мамкалаларда одатда ҳар йили давлат бюджети тўғрисида қонун қабул қилиниши мажбурий ҳисобланади<sup>3</sup>.

Аксарият давлатларда парламент давлат бюджетини янги йил бошланишидан олдин, 2-3 ой ичida кўриб чиқади. Одатда мазкур вақт етарли ҳисобланади. Америка Кўшма Штатларда анча узокроқ муддатда (саккиз ой) кўриб чиқилади. Сабаби қонун чиқарувчи органнинг вазифаси мураккаб ва давлат бюджетини Конгресснинг қўплаб қўмиталари кўриб чиқади. Хукумат кучли ва парламент нисбатан заиф мамлакатларда бюджет сметаларини муҳокама қилиш учун рухсат берилган вақт жуда қисқа бўлиши мумкин<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, хукумат томонидан давлат бюджети лойиҳасини парламентга 2-3 ой олдин киритиш лозим. Мазкур муддатлар Дания, Финландия, Франция, Испания, Корея каби мамлакатларда конституциясида, АҚШ, Германия, Япония, Швеция, Янги Зеландияда қонунларда ва Норвегияда парламент қарорларида белгилаб ўтилган. Мамлакатимизда эса мазкур масала қонун доирасида белгилаб ўтилган. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳаси 2 ой муддатда кўриб чиқилади. Жумладан, Бюджет кодексининг 97-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хulosаси билан киритилади.

<sup>1</sup> Тимошенко И.Г. Парламентский контроль в Великобритании. // Институты конституционного права иностранных государств. М., 2002. С.271

<sup>2</sup> Ian Liener. Role of the Legislature in Budget Processes// <https://www.imf.org/external/pubs/ft/tm/2010/tnm1004.pdf>

<sup>3</sup> Ian Liener. Role of the Legislature in Budget Processes// <https://www.imf.org/external/pubs/ft/tm/2010/tnm1004.pdf>

<sup>4</sup> Allen Schick. Can National Legislatures Regain an Effective Voice in Budget Policy?// <https://www.oecd.org/gov/budgeting/43514045.pdf>



Кодекснинг 98-моддасига кўра, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 ноябрига қадар кўриб чиқилиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги Конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига кўриб чиқиш учун қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida юборилади. Давлат бюджети тўғрисидаги Конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай маъқулланади<sup>1</sup>.

Давлат бюджети устидан дастлабки парламент назоратини амалга оширишнинг яна бир муҳим томонларидан бири парламент қўшимча бюджет тўғрисида қонун қабул қилиши мумкин. Масалан, Япониянинг 1947 йилдаги давлат молия тўғрисидаги қонун асосида Вазирлар Маҳкамасига қўшимча бюджет лойиҳасини киритишга рухсат берилди<sup>2</sup>. Бунга сабаб сифатида қонун билан белгиланган хукумат мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағларни тўлдириш бошланғич бюджетда кўзда тутилмаган бўлса ва қўшимча харажатлар эҳтиёжини қондириш учун бюджетни ўзгартириш бюджет парламент томонидан тасдиқланганидан кейин пайдо бўлади. Баъзи мамлакатларда йилига бир нечта қўшимча бюджет қабул қиласидар.

Давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишнинг яна бир муҳим кўринишларидан бири давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритиш масаласидир. Айрим мамлакатларда қонунни ўзгартириш учун парламент чекланмаган қонуний кучга эга. Айрим президентлик Республика мамлакатларида давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритишда парламент чекланган ваколатга эга хисобланади. Финляндия, Германия ва Голландия каби давлатларда парламент ва хукумат келишувига кўра хукуматга давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритиш хукуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, “Давлат молиявий назорат тўғрисида”ги Конун лойиҳаси ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Мазкур лойиҳа Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Ҳужжат бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ташки ва ички молиявий назоратнинг вазифалари ва функцияларини ажратишни назарда тутади, шунингдек устав капиталининг 50% дан ортиқ улушига эга бўлган ташкилотларда давлат молиявий назоратини амалга ошириш масалаларига бағищланади.

Ф.Хайруллаевнинг таъкидлашича, лойиҳанинг ишлаб чиқилишининг сабаби шундаки, республиканинг хукуқий маконида давлат молиявий назоратининг барча жиҳатларини тартибга солувчи ягона асосий қонун йўқ. Унинг фикринча, мазкур қонун лойиҳасида парламент назоратига оид масалалар ҳам белгиланиши лозим<sup>3</sup>.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат бюджети устидан парламентига оид масалалар белгиниши керакми деган савол туғилади. Хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу тоифадаги қонунларда парламентнинг бюджет устидан назорати белгилаб қўйилмайди. Жумладан, Канада “Молиявий назорат тўғрисида”ги қонунида давлат бюджети устидан парламент назорати масаласи белгилаб ўтилмаган<sup>4</sup>.

Таъкидлаш лозимки, давлат бюджети устидан парламент назоратига оид қонун ҳужжатлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у доимий ва жорий характерга эга. Жорий қонун ҳужжатларини ишлаб чиқилишида дастлабки парламент назоратини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

<sup>1</sup> Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

<sup>2</sup> <https://www.britannica.com/topic/government-budget/Budgets-of-other-levels-of-government>

<sup>3</sup> [https://www.norma.uz/proekty\\_npa/gosudarstvennyy\\_finansovyy\\_kontrol\\_-\\_po\\_zakonu](https://www.norma.uz/proekty_npa/gosudarstvennyy_finansovyy_kontrol_-_po_zakonu)

<sup>4</sup> <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/f-11/>

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЗАКІЛДІКТАРЫ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(1-қисм)**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

**Эълон қилиш муддати: 30.11.2021**

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000